



МУҲАРАРАЛИМ

ҲАМ

ЎЗАЛКЕСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИШ

илимий-методикалық журнал № 3/2



Нөкис - 2021

МАЗМУНЫ

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ, ТАСВИРИЙ САЊАТ

Ҳожиев Р. Б., Норбоева Д.О. Ёшлар ижтимоий фаоллигини ривожлантириш концепциялари	4
Ismatov U.Sh. Bo'lajak tasviriy san'at o'qituvchilarini turli grafik materiallarda ishlashga o'rgatish (tempera bo'yog'i misolida)	12
Berdiyev O. Tasviriy san'at va chizmachilik darslarida o'quvchilar duch keladigan ayrim masalalarning amaliy faoliyatdagi yechimlari	15
Baymetov B.B., Xamroqulova M. Talabalarni boshshaklini tasvirlashga o'rgatishda konstruktiv qurilish qonuniyatlaridan foydalanish texnologiyalari	18
Abduxamidov S.M., Shadiyev A.Ya. Sog'lom turmush tarzini shakllantirishda jismoniy tarbiya va sportning bugungi kundagi o'rni	22
Ismatov U.Sh. Rangtasvir mashg'ulotlarida maishiy jamning ifodalanishi	25
Марасулова И.М., Зулфиев Р.Н. Ўқувчилар таълим-тарбияси жараёнида тасвирий санъат ўқитувчисининг ўрни	28
Абдуллаева Г.С. Формирование ключевых компетенций у студентов с особыми образовательными потребностями через применение ИКТ	31
Мухитдинова М.С. Нутқида оғир нуқсонли болалар билан коррекцион-ривожлантирувчи ишларни олиб боришда мусиқа машғулотларнинг имкониятлари	35
Султанов Х.Э., Марасулова И.М., Юнусова К.Х. Педагогик инновацион кластери: Чирчиқ тажрибасининг илк натижалари	37
Султанов Х.Э., Махмудов М.Ж. Ўқувчиларни тасвирий санъат фанига қизиқтиришдаги ўқитувчининг маъсулияти	42
Каюмов Х. А., Ко'киев В. В. Quruvchi muhandislarni tayyorlashda muhandislik grafikasi ta'limini kompyuter texnologiyasi bilan integratsiyalash	46
Махмудова М.Т. Развитие музыкальной тематики и ее актуальность в изобразительном искусстве Узбекистана	48
Марасулова И. М. Эстетическое воспитание молодежи для общества	52
Sobirov S.T. Bolalar uchun nashrlarda illyustratsiyalarning vazifalari	54
Sobirov S. T. Talabalarda yuksak axloq, kasbga sadoqat kabi insoniy fazilatlarini shakllantirish va ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirishda to'garaklarning o'rni	59
Муратов Х. Х. Ўқув жараёнида мустақил таълимни ташкил этиш ва бошқаришнинг долзарблиги	61
Атаханова С.О. Масофали ўқитиш технологиясининг чизмачиликни ўқитишдаги амалий аҳамияти	65
Атаханова С.О. Чизмачилик фани бўйича ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришда муаммоларни таълим технологиясидан фойдаланиш омиллари	69
Султанов Х.Э. Таълим муассасалари ҳамкорлигининг кластерли моделини ташкил этиш	73
Ко'киев В.В. Yordanchi proyeksiyalash usulidan foydalanib yaqqol tasvir qurish	76
Махмудова М.Т. Влияние музыки на изобразительного искусства	81
Махмудова М.Т. Роль и значение музыки в воссоздании изображения	85
Ко'киев В. В., Mahmudov M. J. Ijodkorlikni rivojlantirish chizama geometriya fani misolida	88
Ко'киев В. В., Qozoqboyeva D. T. Yordamchi proyeksiyalash usuli orqali yechiladigan masalalar	91

НУТҚИДА ОҒИР НУҚСОНИ БОР БОЛАЛАР БИЛАН КОРРЕКЦИОН-РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ИШЛАРНИ ОЛИБ БОРИШДА МУСИҚА МАШҒУЛОТЛАРНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

Мухитдинова М.С.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлатпедагогика институти,

Муסיқа таълими кафедраси катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: муסיқий фаолият, коррекция, координация, муסיқа тинглаш, куйлаш, муסיқий-ритмик ҳаракатлар, муסיқий чолғу асбобларида ижро.

Ключевые слова: профессионализм, мобильность, ИКТ, компетентность, творческий потенциал.

Key words: professionalism, mobility, ICT, competence, creativity.

Бугунги кунда замонавий мактабгача педагогика коррекцион ишларни турли хил санъат турлари ёрдамида амалга оширишга йўналтирилмоқда. Муסיқа-бу нутки оғир бузилган бола шахсининг ривожлантириш ва тарбиялашнинг энг муҳим воситаларидан биридир. Муסיқа орқали бола маданий-таълимий жамият муҳитига фаол киритилиши мумкин. Муסיқанинг инсон организмига таъсири муаммосига бўлган қизиқиши кўп вақтлардан бери В.М.Бектерев, И.М. Сеченов, Г.П. Шипулин каби бошқа тадқиқотчи олимларнинг асарларида акс эттирилган. Муסיқа инсон организмининг нафас олиш, ҳаракат тизими, юрак қон- томир тизимларига фойдали таъсир кўрсатади. Болалар боғчасида муסיқа фаолияти нутқи бузилган болаларга хос бўлган камчиликларни тузатишга ёрдам беради. Нутқ бузилиши билан бирга тарбияланувчиларда қўшимча равишда майда ва артикуляр моториканинг бузилиши кузатилади, диққат, нутқий эшитишни англаш, хотира, кўриб- жойда ориентация каби жараёнларнинг етишмаслиги мавжуд. Шу билан бирга, муסיқий фаолият эшитиш органларни машқ қилишни, нафас олиш органларни ривожланишини, эгилувчанлик, чидамлик, ҳаракат эркинлиги каби қобилиятларини ривожланишини таъминлайди. Нотўғри талаффуз коррекцияланиб, нутқнинг “мойланиши”га олиб келади.

Мактабгача таълим ташкилотида нутқида оғир нуқсони бор болалар билан коррекция ишлар куйидаги муסיқий фаолият турлари бўйича амалга оширилади: муסיқа тинглаш, қўшиқ айтиш, муסיқий-ритмик ҳаракатлар, бошланғич чолғу ижрочилиги.

Муסיқа тинглаш - бу муסיқа фаолиятларининг етакчи тури ҳисобланади, чунки барча фаолият турлари муסיқа тинглашга асосланади. Болалар турли муסיқа асбобларининг товушларини ажратишни, товушнинг кучи, баландлиги ва давомийлигини фарқлашни ўрганадилар. Муסיқа тинглаш самарадорлиги бир вақтда муסיқий ритмик ҳаракатларни (қарсак чалиш, оёқларни тўпиллатиш, жисм тақиллатиш кабилар) бажариш орқали ортади. Болаларга муסיқа кайфиятини ҳаракат орқали ифода-лаш, сўз орқали ифодалашдан осонроқ. Болалар билан муסיқий ритм ҳисси устидаги машқлар, кейинроқ, унинг муסיқий ҳаракатларига кўчади, кейинроқ эса унинг нутқида ўз самарасини кўрсатади. Болаларга мазмун бўйича тушунарли муסיқий материал тинглатилади. Масалан, классик муסיқий асарлардан Д. Кабалевскийнинг “Рондо-марш”, П. Чайковскийнинг “Туллар ракси”, А. Хачатуряннинг “Кечки эртак” ва бошқалар. Ўйинлар муסיқа тинглашда муҳим ролни эгаллайди.

Шундай қилиб муסיқий жанрини аниқлаш учун Д. Кабалевскийни “Саёҳат

марши” мусикий асарига “Кўприкча” ритмик ўйини қўлланилади. Бундай турдаги мусиқа фаолияти мақсади, болаларнинг туғма вокал қобилиятларини ривожлантириш, оҳангни соф интонация қилдириш. Нуткида оғир нуксони бор болалар учун куйлаш уларнинг нутқ аппаратини фаолиятини - нафас, артикуляция, овозхосил қилиш таркибий қисмларини- талаффуз томонларини, ҳамда хотирани ривожлантириш, тасаввур, мусикий – сенсор қобилиятини нормаллаштиришга ёрдам беради.

Ишнинг бошланғич этапида матннинг аниқ талаффузи ва куйлаш кўникмаларини эгаллаш устида ишламоқ керак. Бунинг учун тоза талаффуз қилиш машқларидан кўп фойдаланилади. (Ўзбек болалар ўйинлари “Оқ теракми, кўк терак”, “ Чори-чамбар”) ва ишорали ҳаракатлар билан овоз созлаш машқлари (Д. Омонуллуеванинг “Менининг исми... , ёшим...”, Б. Тиличеванинг “Education 115 сенка»). Шунингдек нафасга оид машқларни унутмаслик керак. Булар; С. Абрамованинг “Шамол”, “Да-дэ-ди-до-ду”-машки, Б. Толкачёванинг “Снегирёк”.

Нуткида оғир бузилиши бўлган болалар билан ишлашда мусикий-ритмик ҳаракатлар танани назорат қилишни ўргатади, кейинчалик рақс, мусиқа остида доира бўйлаб ҳаракатлар орқали, ўйинларда ишлатиладиган асосий рақс ҳаракатлари кўникмаларини ривожлантиришга тайёргарлик кўрилади.

Баъзи жисмлардан фойдаланиш (байроқлар, кегилар, таёқчалар, шарфлар ва бошқалар) ҳаракатлар фаолиятининг ривожланишига ёрдам беради. Мусиқа остида ўйинчоқлар ёки атрибутлар билан ҳаракатланиш болаларда рақсга тушиш истагини пайдо қилади.

Мусикий ўйинларни кўшиқ куйлаш ва рақс ҳаракатлари билан бирлаш-тириш болаларда координация билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилади, ҳаракатларнинг тезлигини тартибга солади (Ўзбек халқ ўйинларидан «Читти гул», «Ким олади-ё, шугинани-ё?»), Д. Омонуллуеванинг «Арча байрами»).

Мусиқа чолғу асбобларида ижро қилиш ритм ҳиссини ва тембр укувини ривожлантиради. Бунда, масалан, ўзбек халқ куйларидан “Қари наво” ёки рус халқ кўшиғи “Во поле берёзка стояла” каби асарларни ижро қилиш фойдалидир.

Мусикий чолғу асбобларида ижро қилиш фаолияти куйидаги коррекцион вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган: кўнғироқчалар, сурнайчалар, металлфон, қошиқлар- майда моторикани ривожлантиришга; барабан, дойрачалар, марокаслар, кастанъеталар- ҳаракат координациясини ривожлантиришга ва бошқалар. Шунингдек, мусикий баландликка эга бўлмаган мусикий чолғуларда ижро этиш нуткида оғир нуксони бор болалар билан коррекцион ишларни амалга оширишда ниҳоятда фойдалидир.

Шундай қилиб, мусикий фаолиятлар нуткида оғир нуксони бор болалар билан коррекцион-ривожлантирувчи вазифаларни ечишда фоят самаралилиги шубҳасиз.

Натижада, мактабгача ёшдаги болаларда мусиқага қизиқиш уйғонади, ҳиссий таъсирчанглик ва таассуротлар пайдо бўлади. Бола ҳаракатларни координация қилишни ўрганади, артикуляция ва нафас олиш аппаратини машқ қилдиради, хотира, диққат ва мусикий укувини ривожлантиради. . Мусикий машғулотларлар тарбияланувчининг ҳиссий соҳасига ижобий таъсир кўрсатади ва бунинг натижасида у янада мураккаб машғулотларга тайёр бўлади.

Адабиётлар:

1. Боромыкова, О. С. Коррекция речи и движения с музыкальным сопровождением. Комплекс упражнений по совершенствованию речевых навыков у детей дошкольного возраста с тяжёлыми нарушениями речи. -СПб: Детство-пресс, 1999.
2. Веллугина, Н. А. Методика музыкального воспитания в детском саду. - М.: Просвещение, 1989. 3. Теплов, С. А. Психология музыкальных способностей. - М.: 1985
3. Аюпова М.Ю., Х.М.Пўлатова. Логопедик ритмика. Дарслик. Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2007.
4. Волкова Г.А. Логопедик ритмика. Москва. 2004.
5. М.С.Мухитдинова “Мақтабгача таълим ташкилотларида ахборот-компьютер технологияларини мусика тарбияси воситаси сифатида қўллашнинг хусусиятлари” 2020 уй

РЕЗЮМЕ

Мақола махсус мактабгача таълим ташкилотларида мусика фаолиятларининг нутқида оғир нуқсонли болалар билан коррекцион-ривожлантирувчи ишлардаги муаммоларни ечишда восита сифатидаги аҳамиятига бағишланади. Бунда, мактабгача ёшдаги нутқида оғир нуқсонли болалар билан коррекцион-ривожлантириш жараёнига таъсир этувчи асосий мусикий фаолият турларини белгилаб берилган ва ўрганилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается роль музыкальной деятельности в специальной дошкольной организации как инструмента решения задач коррекционно-развивающей работы с детьми с тяжелыми дефектами речи. При этом были выявлены и изучены основные виды музыкальной деятельности, влияющие на процесс коррекции и развития детей с тяжелыми дефектами речи в дошкольном возрасте.

SUMMARY

The article examines the role of musical activity in a special preschool organization as a tool for solving the problems of correctional and developmental work with children with severe speech impairments. At the same time, the main types of musical activity that affect the process of correction and development of children with severe speech defects in preschool age were identified and studied.

ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРИ: ЧИРЧИҚ ТАЖРИБАСИНИНГ ИЛК НАТИЖАЛАРИ

Султанов Х.Э.

ТВЧДПИИ “Тасвирий санъат” кафедраси доценти

Марасулова И.М.

ТВЧДПИИ “Тасвирий санъат” kafedراسи katta o'qituvchisi

Юнусова К.Х.

Бекобод тумани 29-умумий ўртатаълим мактаби ўқитувчиси

Таянч сўзлар: таълим кластери, интеграция, ўзаро ҳамкорлик, узлуксиз таълим, тасвирий санъат, тўғарак, педагогика.

Ключевые слова: образовательный кластер, интеграция, сотрудничество, непрерывное образование, изобразительное искусство, кружок, педагогика.

Key words: education cluster, integration, collaboration, continuing education, fine arts, circle, pedagogy.

Ҳозир бутун жаҳон бўйлаб рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар замонавий мутахассислардан ижодий қарорлар қабул қилишда мустақиллик ва тезкорлик малакаларига эга бўлишни талаб қилади. Бунинг устига барча соҳаларда дастурлар кундан-кун янги маълумотлар билан тўйиниб бормоқда. Фан ва таълимнинг ишлаб